
СУД ТОМОНИДАН САЙЁР СУД МАЖЛИСИ ВА ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистонда фуқароларнинг тинч ҳаёт кечириши ва уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга бўлган ишончининг ортиши ушбу органлар томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ишларнинг самарали ташкил этилганлик даражасига боғлиқдир.

Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси хавфсизлигини шунингдек қонун устуворлигини таъминлаш мақсадида жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар суди томонидан Марғилон шаҳар ҳокимлиги ва шаҳар ИИБ билан ҳамкорликда Марғилон шаҳридаги Увайсий маҳалла фуқаролар йиғини биносида навбатдаги сайёр суд ва давра суҳбати ўтказилди.

Сайёр суд мажлисида шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ва Марғилон шаҳар ИИБ томонидан тақдим қилинган 30 га яқин маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар мазмунан кўриб чиқилди.

Бундан ташқари давра суҳбатида шаҳар судининг раиси М.Марахимов иштирокчиларга мунтазам равишда судлар томонидан тарғибот қилиб борилаётган Ўзбекистон Республикасида чақалоқлар ва болалар савдоси билан боғлиқ жиноий ҳолатларни олдини олиш ва унга қарши мурасасиз курашиш йўналиши юзасидан, шунингдек жамиятда коррупцияга қарши мурасасиз курашиш ва коррупция оғир жиноят эканлиги ҳақидаги тушунчани ёшлар онгида шакллантириш лозимлиги, уларга бундай қилмишларнинг зарарли оқибатлари ва қонунда белгиланган жавобгарлик чоралари ҳақида етарли маълумотларни бериб боришни таъкидлаб, фуқаролар томонидан берилган саволлар ва фикрларга тегишли тартибда жавоблар берди.

Марахимов Музаффаржон Мирзарахмонович,

Жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг раиси

2022-06-22 13:20:34